

Ҳаё иймондандир, иймон жаннатдадир | Тазкия дарслари (331-дарс)



19:00 / 07.06.2025 1711

أُوَيِّحُتْ سَا «: لَأَقَمَّ لَسَوِ هُوَ يَلَعُ هَلَلَا لِيَصِيَّبَنَّ لِنَعُ، هُوَ نَعُ هَلَلَا يَضَرُّ هَلَلَا دَبَعُ نَعُ
: لَأَقُ هَلَلَا دَمَّ حَلَّ أَوْ يِيْحُ تَسَنُّ أَنْ إِي هَلَلَا لُؤَسَّرَ أَي: أَنْ لُقُ : لَأَقُ، «أَيَّ حَلَّ قَحَّ هَلَلَا نَم
، يَغُ وَأَمَّ وَسَّ أَرَلَّ طَفَّ حَتْ نَأَيَّ حَلَّ قَحَّ هَلَلَا نَمُ أَيَّ حَتْ سَأَلَا نَكَلَو، كَأَذَّ سَيَلُ
نَمَفُ، أَيُّ نَدَلَا نِي زَكَّرَتْ عَرَّ خَلَّ دَارَأُ نَمَّ و، يَلْبَلُ أَوْ تَوَمَّلُ رُكُّ دَتَلَو، يَوَّحُ أَمَّ وَ نَطْبَلُ أَوْ
مُ كَأَحَلَّ أَوْ دَمَّ حَأُ وَيُذَمَّرُ لَأُ هَأُورُ. «أَيَّ حَلَّ قَحَّ هَلَلَا نَمُ أَيَّ حَتْ سَأَلَا دَقَفَ كَلَّ دَلَّ عَفُ

Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Аллоҳдан ҳақиқий ҳаё қилинглар», дедилар.

«Эй Аллоҳнинг Расули, алҳамдулиллаҳ, албатта, биз ҳаё қиламиз», дедик.

«Ундай эмас. Аллоҳдан ҳақиқий ҳаё қилиш бошни ва у ўз ичига олган нарсаларни, қоринни ва у ўз ичига олган нарсаларни сақламоғингдир. Ўлимни ва чиришни эсламоғингдир. Ким охиратни хоҳласа, дунё зийнатини тарк қилур. Ким ўшаларни қилса, Аллоҳдан ҳақиқий ҳаё қилган бўлур», дедилар у зот».

Термизий, Аҳмад ва Ҳоким ривоят қилишган.

Бу ҳадиси шарифда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳақиқий ҳаё одамлар ўйлаб юрадиган баъзи бир ишларни қилишдан уялиш эмаслигини, балки улкан бир маънони ўз ичига олишини баён қилмоқдалар.

«Аллоҳдан ҳақиқий ҳаё қилиш бошни ва у ўз ичига олган нарсаларни, қоринни ва у ўз ичига олган нарсаларни сақламоғингдир»

Бош ўз ичига олган нарсалар кўз, қулоқ, бурун, оғиз ва тил эканини билиб қўймоқ лозим. Ушбу нарсаларни ёмонликдан сақлаш ила Аллоҳдан ҳақиқий ҳаё қилишнинг баъзи шартлари юзага келар экан.

Қорин ўз ичига олган нарсалар жумласидан озуқалар ва фарж бордир. Демак, озуқанинг ҳалол бўлиши ва фаржни гуноҳдан сақлаш ила Аллоҳ таолодан ҳақиқий ҳаё қилишнинг баъзи шартлари юзага келар экан.

«Ўлимни ва чиришни эсламоғингдир».

Ўлимни эсламаган кимса ҳеч нарсадан ҳаё қилмайди. Қабрда чиришини эсламаган одам ҳеч нарсадан ҳаё қилмайди.

«Ким охиратни хоҳласа, дунё зийнатини тарк қилур».

Албатта, бу ерда Аллоҳ таоло ҳалол қилган зийнатларни эмас, У Зот ҳаром қилган зийнатларни тарк қилиш ҳақида сўз кетмоқда. Зеро, Аллоҳ таолонинг Ўзи Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга хитоб қилиб:

الرِّزْقِ مِنَ الطَّيِّبَاتِ لِعِبَادِهِ. أَخْرَجَ إِلَيَّ اللَّهُ زِينَةَ حَرَمٍ مِّنْ قُلِّ

«Сен: «Аллоҳ Ўз бандалари учун чиқарган зийнатларни ва покиза ризқларни ким ҳаром қилди?!» деб айт», деган (Аъроф сураси, 32-оят).

